УзССР Давлат нашриёт қўмитаси
Кит
Ўзбекистон давлат УзССР

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

Газетамиз 1991 йил 1 январдан чиқа бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

3 НОЯБРЬ, СЕШАНБА
№ 214 (465).
1992 йил
Сотувда эркин нархда

КЎҲНА ЗАМИН—ТУРКИСТОН АЗИЗ ВАТАНДОШ, СЕНИ ДОИМ КУТАДИ, КЎЗЛАРИДА ЁШ!

ЁШ ВАТАНДОШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

БУГУН ТОШКЕНТДА ЁШ ВАТАНДОШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ОЧИЛАДИ...

Азиз ёш ватандошлар!

Қўҳна Туркистон заминига — ота-боболарингиз юртига ташрифингиз билан муборакбод этаман.

Сизу биз бир ота-онанинг фазандларимиз. Даврларнинг ададсиз тўфонлари, аёвсиз қатағонлар, истибдодга асосланган сиёсат сизу бизни бир юртда яшаш бахтидан бенасиб этди. Қисматларимиз айри тушса-да, этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, ҳар доим бир-биримизга интилиб яшадик. Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби улуғларимизнинг руҳлари ҳамиша барчамизни бирлашишга ундаб келди. Бинобарин, ана шу аждодларимизнинг ўлмас руҳлари бугун ҳаммамизни бу ерда — тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкентда юз кўриштирди.

Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шарофатидир. Бу ёруғ кунларни ҳаммамиз узоқ, жуда узоқ кутган эдик. Юртимизни озод кўрмоқ орзусида не-не буюк зотларимиз жонларини фидо қилдилар, кўплари ўзга юртларга бош олиб кетдилар. Ўша эрксевар инсонларнинг фарзандлари бўлмиш сизларнинг ота маконга қанчалар талпиниб яшаганингизни теран англаймиз ва уни ғоят қадрлаймиз.

Дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ёш ватандошларнинг Тошкент учрашуви Мустақил Ўзбекистон равнақи йўлида хизмат қилишига, келажакдаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши учун бақувват пойдевор бўлишига астойдил ишонаман.

Хорижлик биродарлар, бу қадимий ватан бизники бўлгани каби сизники ҳамдир. Азиз ватанимизни гуллаб-яшнатиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Барча саъй-ҳаракатларимиз, ақлу кучимиз ана шу эзгу ишга қаратилмоғи даркор. Бунинг учун янада якдил ва ҳамкор бўлмоғимиз зарур.

Бу олийжаноб ниятлар йўлида сизларга, сизлар орқали чет эллардаги барча ёш ватандошларга ва республикамиз ёшларига омад тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ

Сиз ўз ота юртингиздасиз, дўстлар!

Бундан бир йил муқаддам жаҳон ишбилармонларининг Тошкентда илк бор бўлиб ўтган учрашувида Президентимиз. И. Каримов бундан буён хориждаги ватандошларимиз билан алоқаларимиз ривож топишига юксак ишонч билдирган эди.

Айниқса, Узбекистон ўзини мустақил деб эълон қилиши Ватан соғинчи билан яшаётган юртдошларимиз қалбида бу ишончни янада мустаҳкамлаб, уларнинг она юртларига ташрифлари учун кўприк бўлганди.

Ёшлар Иттифоқи ташаббуси билан ўтказилаётган бугунги анжуман эса хориждаги ёш ўзбек ватандошларимиз билан Ўзбекистон ёшлари ўртасидаги меҳр-муҳаббат, қардошлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришда олға қараб қўйилган яна бир ҳосиятли қадамдир. Республикамиз ёшлари ватандошларимизни муносиб кутиб олиш учун, улар ўз ийнда эканликларини юракдан ҳис қилишлари учун алоҳида тйёргарлик кўрдилар. Тошкент чинни буюмлар заводи, Чуқурсой бош кийимлар фабрикаси, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд металл ишлаб чиқариш корхонаси, Оқтепа бадиий буюмлар фабрикаси, «Шарқ» матбаа концерни, «Совпластитал» корхонаси анжуман иштирокчилари ва шаҳримиз аҳолисига атаб турли маҳсулотлар тайёрлашди.

Шу кунларда анжуман ташкилий қўмитаси аъзоларининг қўли қўлига тегмайди. Орзиқиб кутган меҳмонларимиз 25 сентябрдан бошлаб бирин-кетин она юртига ташриф буюрмоқдалар. Уларни рисоладагидай кутиб, олиш, жойлаштириш...

— Кунига 25 соатлаб ишлаяпмиз, — дейди хушнудлик билан ташкилий қўмита ишлар бошқарувчиси Саддихон Дариев, — бундай кунларда чарчаб бўладими, ахир!

1 ноябрь куни эрталаб пойтахтимиз жамоатчилиги байрамона безатилган Тошкент тайёрагоҳида Измир орқали махсус рейс билан Америка, Иордания, Олмония, Хитой, Туркия, Афғонистон, Сурия, Австралия ва Бельгиядан учиб келган ватандошларимизни тантанавор кутиб олдилар. Тонг саҳарданоқ юртдошларимиз учун махсус ажратилган «Ёшлик» меҳмонхонаси ҳовлисини карнай-сурнай садолари, нон-туз ва гулдасталар билан юртдошлари истиқболига пешвоз чиққан ёшларимизнинг ашулаю рақслари шўх кулгилари тўлдириб юборди.

Хамманинг юз-кўзларида

(Давоми 2-бетда).

Бобом—Турон, болам—Турон

Қадим, қутлуғ, мунаввар юрт,
Дилу жоним, қарағимсан.
Сенинг бағрингда умрим —
Салтанат, меҳри чарағимсан.
Қаён кетсам, қаён етсам,
Саҳарлар илтижо этсам,
Ҳаётим бор экан: аввалдин
Охир сен сўрағимсан.
Имону эътиқодинг — тўқ,
Дилингда зарра гардинг йўқ,
Ки бағримда юраксан — чўғ,
Қадр мулкида тоғимсан.
Қадим-Турон, азим-Турон,
Бобом — Турон, болам — Турон,
Томир отганим — боғимсан,
Дилу жоним, қарағимсан.

МУҲТАРАМА.

Яхши таассурот қолсин

Ёш ватандошлар халқаро анжумани қатнашчиларида ҳар томонлама яхши таассурот қолдириш учун республикамизда қатор маданий тадбирларни амалга ошириш режалаштирган.

Шу йил 3 ноябрь куни Халқлар Дўстлиги саройида ушбу анжуман доирасида машҳур хонанда Ботир Зокиров хотирасига бағишланган ёш эстрада ижрочиларининг кўрик концерти ўтказилади. Унинг дастурида «Камолот», «Қизиқчи» ва бошқа ёш истеъдодлар кўрик-конкурсининг ғолиблари қатнашадилар.

Г. РЎЗМЕТОВА.

Ҳамкорликнинг янги босқичи

АНҚАРА. (ЎзА мухбири Фахриддин Низом). Тўй — туркий халқлар тарихида миллатнинг ўзлигини, қиёфасини белгиловчи табаррук маросим. Тўйда ёру биродарлар дийдор кўришишади, ҳол-аҳвол сўрашади, қолаверса, келгуси режалари хусусида ўзаро маслаҳатлашиб олишади. Шу боис тўйлар қанча кўп бўлса, кишилар ўртасидаги иттифоқ, иноқлик орта боради, қардошлик ришталари чийралаверади.

Қардош Туркиянинг миллий байрами — Республика кунининг 69 йиллик тантаналарида бу йил биринчи марта собиқ Совет империяси истибдодидан қутулиб, мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон жумҳуриятларининг давлат раҳбарлари ҳам иштирок этишди.

Маълумки, биринчи жаҳон урушида Германиянинг иттифоқчиси бўлган Туркия султонлиги ҳам мағлубиятга учрайди ва у Антанта давлатлари, Греция ва Италия томонидан бўлиб олинади. Бу Туркиянинг мустақил давлат сифатида йўқ қилиниши дегани эди. Буни яхши англаган Мустафо Камол бошлиқ ватанпарварлар ватан ва миллат озодлиги учун курашга отланади ҳамда Туркияни чет эл босқинчиларидан озод қилади. Шундай қилиб, 1923 йил октябрининг 29-куни Туркия Республика деб эълон қилинади.

Бу байрам туркий халқлар учун шуниси билан қадрлики, СССР мавжуд йилларда бизга хориж деб ўргатилган Туркия — турк ерларининг сўнгги қисми ўз озодлигини қайтариб олди ва бу бошқа мазлум туркий халқларга ҳуррият учун кураш йўлида намуна бўлиб қолди. Бугунги байрам тантаналарининг аҳамияти ҳам ана шунда. М. К. Отатурк номли маданий марказ майдонидаги байрам шодиёналарида усмонлилар салтанати сипоҳилари, лашкарбошилари киймидаги кишилардан то бугунги миллат мустақиллигининг, эл фаровонлигининг кафили бўлмиш зобиту аскарлар ва улар бошқараётган ҳарбий техникагача намойиш этилди. Байрам тантаналарига келган ҳар бир қардошнинг чеҳрасида миллий ғуруру, туркона ифтихор барқ уриб турганини кўрасиз. Тарихини қадрлай билган миллат улуғдир. Ҳамиша ғолибдир.

Байрам тантаналарининг Мустафо Камол Отатурк номидаги маданий марказ майдонида ўтказилишининг боиси буюк ватанпарварга турк халқининг эҳтироми белгисидир. Анқара шаҳрининг осмонўпар биноларига биринчи Президентининг суратлари осиб қўйилган. Гўё унинг ўйчан нигоҳлари бугунги туркийларнинг байрам баҳона дийдорлашувидан ифтихор туяётгандай. Туркия Президенти Турғут Узол Республика куни муносабати билан Анқаранинг Чанқоя саройида улуғ меҳмонлар шарафига зиёфат берар экан, шундай деди: «Бир замонлар Мустафо Камол Отатурк Ғозар туркларини муста-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ҚАРОРЛАР БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ЖАМОАТ КОМИССИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон иқтисодий ўзгартишларни кучайтириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида бошқарувга оид энг мақбул қарорларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш учун давлат қарамоғида бўлмаган тузилмалар ва савдо-саноат доиралари вакилларининг кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитети ва унинг жойлардаги органлари таркибида республикада иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссиялари ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки,

Жамоат комиссиялари энг тажрибали ва холис тадбиркорлар, фермерлар ва савдо-саноат доираларининг бошқа вакилларидан тузилади. Комиссияларнинг раислари ва аъзолари эса Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитети ҳамда унинг республика ҳудудларидаги бўлинмалари тизими раҳбарлари ва ходимлари учун берилган барча ваколатлар ва ҳуқуқларга эга бўладилар.

Республика комиссиясининг раиси айни вақтда Давлат назорати комитети раисининг жамоатчилик асосидаги ўринбосаридир ва Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан лавозимига тайинланади;

вилоят, шаҳар ва район комиссияларининг раислари ҳам Республика Давлат назорати ҳудудий органлари раҳбарларининг жамоатчилик асосидаги ўринбосарларидирлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитетининг раиси томонидан тайинланадилар.

2. Қуйидагилар комиссиялар фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қилиб белгилансин:

— иқтисодий ислоҳотлар масалаларига доир норматив ҳужжатлар мажмуи бажарилишини идоралараро назорат қилиш органлари ишини мувофиқлаштириш;

— корхоналар ва хўжаликлар мустақиллигини кенгайтиришга, бозор тузилмалари ва таркибий қисмларини вужудга келтиришга, хўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришга, тадбиркорликни жумладан, ташқи иқтисодий соҳадаги тадбиркорликни кучайтиришга қаратилган Президент Фармонларини ва Узбекистон ҳукумати қарорларини вазирликлар ва идоралар, концернлар, ассоциациялар, корхоналар ва хўжаликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қандай бажараётганларини текшириш ни йўлга қўйиш;

(Давоми 2-бетда).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

БАҲОУДДИН НАҚШБАНДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Кўплаб фуқаролар, уламолар ва Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг 1993 йилда Шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган аллома Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Юбилей комиссиясининг таркиби тасдиқлансин. Комиссия бир ой муддат ичида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиб, бажаришга киришсин.

3. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Фанлар Академияси тегишли ташкилотлар билан бирга 1993 йилда Бухоро шаҳрида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига бағишланган анжуман ўтказсинлар.

4. Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Дин ишлари бўйича қўмитага:

— мазкур сана муносабати билан 1993 йилнинг сентябрь ойида илмий конференция ўтказиш;

— «Нақшбандия таълимоти ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» монографиясини ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Ас-Сафийнинг «Рашоҳот айн ул-ҳаёт» асарларидан нақшбандия таълимотига оид маълумотларни таржима этиб, уларни илмий шарҳлар билан нашр этиш топширилсин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлигига Бухоро шаҳрида ва Баҳоуддин Нақшбандий ўғлонган Қасри Орифон қишлоғида унинг номини абадийлаштириш тадбирларини кўриш юклатилсин.

6. Мана шу тадбирларни ўтказиш учун Вазирлар маҳкамаси йигирма беш миллион сўм ажратсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Эгардан тушинг, жаноб директор!

(ФЕЛЪЕТОН)

Ғазалкент консерва заводини ижарага олган жамоа раҳбарлари «Энди мустақилмиз, ўзимиз хон, кўланкамиз майдон!» дея дўппиларини осмонга отишди ва давлат қонунларини назар-писанд этмай, ўз билганларича хўжалик юритишга киришишди. Шу тарзда ҳафта кетидан ҳафта ўтди, ойлар йилга уланди.

Кунларнинг бирида... корхонага Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ва Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармаси ходимлари ташриф буюришди ва заводнинг 1991 йил январь ойидан то шу йилнинг август ойигача бўлган даврдаги фаолиятини тафтиш эта бошлашди.

Текшириш мобайнида режадаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бажарилмаганлиги, маҳсулот таннархининг эса ошиб кетганлиги кўзга яққол ташланди. Бу ҳам етмаганидек, 102,8 минг сўм камомад ва 804,05 минг сўмлик ошиқча маҳсулот борлиги маълум бўлди. Ҳисобкитоб ишлари ҳам ўлда-жўлда экан. Ишнинг ўз вақтида тўғри олиб борилмаганлиги туфайли жами 34537,2 минг сўмлик тўловларни бюджетга ўтказиш корхона бошлиқларининг «эсларидан чиқиб» қолибди.

Ана шу камомаднинг тегишли қисми моддий жавобгар шахслар: С. Смирнов, А. Пак, А. Расулматов, Б. Ибаев, А. Ангелова ва Д. Йўлдошевдан қуртдек ундириб олинди. Ортиқча чиққан моддий бойликларнинг ҳаммаси эса яхлитгина қилиб бухгалтерия ҳисобига киритилди.

Элак-элак пайтида жами 68,7 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар бухгалтерия ҳисобидан ноқонуний чиқарилганлиги, алмашиниши керак бўлган жиҳозларнинг яроқсизлиги тўғрисида далолатномалар тузилмаганлиги, уларни қайта таъмирлашга берилмаганлиги ҳам аниқланди. Шуларнинг ўзи бўлса майли-я, аммо шу озиқ-овқат тақчиллиги даврида тайёр маҳсулот омборларда узоқ вақт мобайнида сақланиб, сотувга чиқарилмай турилганига нима дейсиз? Масалан, 1990 йилнинг июнь ойидан бери 19419 сўмлик малина, 1991 йил май ойидан бери 19622 сўмлик қулупнай мурабболари, шу йилнинг июль ойидан буён 85367 сўмлик қулупнай қиёми, 1989 йилдан бери 69890 сўмлик ёнғоқ мураббоси ва бошқа маҳсулотлар ҳамон сақланмоқда. Бунинг натижасида эса 110447 сўмлик олма желеси ўз сифатини йўқотганлигини кўрган ҳар қандай одамнинг тепа сочи (агар кал бўлмаса) тикка бўлиб кетиши турган гап. Аммо корхона масъулларининг бунга лоқайд, хотиржам қараганларини асло тушуниб бўлмайди. Балки нарх-наво кундан-кунга юқорига сакраб турган бир пайтда бунақа хурмача қилиқдан мўмай фойда кўрилар...

Сотилиши лозим бўлган товарларни омборларда сақлаб тураверишнинг таъсири шугина эмас. Улар айниб қолганлиги натижасида қайта ишлашга берилган ва бундан 49758 сўм зарар кўрилган. Лекин бунисн ҳам ҳолва. Нега-ки, у ҳар ҳолда қайта ишланган. Аммо сотилмай сақланиб турилаверганидан 129090 килограмм помидор маҳсулотлари, 126 килограмм ошқовоқ қиёми, 105 килограмм олма павидлоси, 1550 килограмм узум шарбати бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолганига ачинмай иложи йўқ. Энди бу маҳсулотларнинг уволи кимни тутади? Тайёр маҳсулотларнинг сифатини вақтида текшириб турмаган лаборатория ходимларинимі? Бунисн бизга қоронғу. Бироқ 1992 йилнинг август ойида «Ленинград» ва Абай номли жамоа хўжаликларидан келтирилган помидорнинг 6618 килограмми стандарт нормаларига тўғри келмаслиги, аниқланса-да, корхона муҳандиси «э, кетса бойдан кетибди-да» қабилида иш тутиб, ундан томат ишлаб чиқаришга буйруқ бериб юборавергани.

(Давоми 3-бетда).

Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ТЎЛДИРИЛАДИ, БОЙИТИЛАДИ

Мустақил Конституция лойиҳасининг умумхалқ иродаси ва салоҳиятига асосан муҳокама қилиниши айни муддаодир, чунки у янги фикр ва мулоҳазалар билан тўлдирилади. Айтиш жонзки, унда конституцион қонунчиликка оид бўлган масалалар, асосан, эътиборга олинган. Шу билан бирга унинг мазмунини бойитиш мақсадида қуйидаги фикр ва мулоҳазаларни таклиф этмоқчиман.

Лойиҳада «Оила»га махсус боб ажратилиб, жуда тўғри иш қилинган, чунки илгариги конституцияларда никоҳ ва оилага оид қоидалар ҳар хил бобларда берилиб келинган бўлиб, бу эса ундан фойдаланишда айрим қийинчиликларни келтириб чиқарган. Шунингдек, бу бобнинг «Жамият ва шахс» бўлимида берилиши ҳам айни муддао, чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, унинг бош куртагидир.

Чунончи, лойиҳанинг 60-моддасида «оила жамиятнинг асосий бўғинидир» дейилган. Уни тўлдириб, **«асосий, бирламчи бўғинидир»** десак тўғри бўлади. Яна шу моддада янги параграф билан қуйидаги **«Оила-оталик, оналик ва болалик давлат ва ҳар хил жамғармалар ҳимоясида бўлади»**, дейилган жумла билан тўлдирилса, янада аҳамият касб этарди. Чунки тўлиқ, кенг маънодаги «оила» сўзи илмий маънода ота, она ва болани ўз ичига олади. Эрхотин ўртасидаги муносабатнинг асосида никоҳ ётса, ота-она ва бола ўртасидаги муносабатнинг асосида қонқариндошлик ётади. Оилани мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан унда оталарга бўлган эътиборни кучайтириш билан бевосита боғлиқ. Ота бўлиш муқаддас ва масъулиятли вазифадир. Чунки ҳаёт тажрибасида оиланинг барча маънавий ва иқтисодий ташвишлари оталарга юклатилган...

Шу модданинг иккинчи қисми «Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади», деб ёзилган. «Томонлар» дейилганда биз кўпроқ мажбурият ҳуқуқини келтириб чиқарадиган асослардан бири — шартномани тушунамиз. Лойиҳада **«Никоҳ эрмак билан аёлнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлигига асосланади»**, деб ёзилса тўғри бўлади, чунки никоҳ мулкий шартнома характеридаги келишиш бўлмасдан, балки эркак билан аёл ўртасида тузиладиган бир умрга мўлжалланган шахсий иттифоқдир. Шундай ифода «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси»да ҳам ифодаланган.

Лойиҳанинг 61-моддасида «Ота-оналар болаларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» дейилган. Фикримизча, уни қуйидагича ифодаласа тўғри бўлади. **«Ота-оналар болаларини тўла муомала лаёқатига тўлишига қадар, шунингдек, вояга етган бироқ, меҳнатга лаёқатсиз болаларига моддий таъминот ва таълим беришга мажбурдирлар».** Чунки «боқиш» дейилганда асосан еб-ичиш тушунилади. «Моддий таъминот» эса еб-ичишдан ташқари бўладиган харажатлар — кийим-кечак, яшаш учун уй-жой, иқтисодий маънодаги кенг тушунчаларни ўз ичига қамраб олади.

62-моддадаги «...ота-оналарининг келиб чиқиши» сўзининг ўрнига **«насаби»** сўзини ишлатсак мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бу сўз «келиб чиқиш» маъносини англатади. Халқ тилида қайси ота-онадан келиб чиқдинг, дейилмайди, балки насабинг ким, деб сўралади.

63-модда тўлдирилиб, қуйидагича ифодаланганлиги маъқул: **«Вояга етган меҳнатга лаёқатли болалар ота-оналарини моддий таъминлаб туришлари мажбурдир».**

Фозил ОТАХЎЖАЕВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент.

БОШ ҚОНУНГА МУКАММАЛЛИК ХОС

Конституция лойиҳасида республикамизнинг бугуни ва келажаги учун долзарб бўлган ҳуқуқий масалалар кўп.

Шу билан бирга айрим таҳрирталаб жумлалар ҳам бор. Масалан, 3-модданинг Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, дейилгандан сўнг: **«Давлат органлари тизимини белгилайди»** деган фикрни акс эттириш зарур. Чунки давлат ўз вазифаларини турли органлар орқали амалга оширади. Шунинг учун ҳам лойиҳадаги «идора этиш тизими» бирмунча тор маънодаги тушунча бўлиб, барча давлат органларини ўз ичига қамраб ололмайди.

Лойиҳанинг 37-моддаси яна ҳам кенгайтирилиши ва ундаги «барча ёлланиб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар» деган сўзларни тўлдириш ва аниқлаш зарурати бор. Агар ҳар ҳафтадаги дам олиш кунларининг берилиши, байрам кунларидаги дам олишлар ҳам аниқ кўрсатилса, мантиқан қонуний бўлади.

72-моддадаги «...Олий Мажлиснинг розилиги талаб қилинади» сўзининг ўрнига **«Олий Мажлиснинг қарори қабул қилинади»** дейилиши керак. Чунки Республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари Олий Мажлис ваколатига киради.

74-модданинг биринчи қисмида Олий Мажлиснинг таркиби 150 нафар депутатдан иборат эканлиги белгиланган. Бизда қуйидаги таклиф бор: **Олий Мажлис Қорақалпоғистон Республикасидан 20 нафар, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳридан 10 нафардан сайланган депутатлардан ташкил топади** деб белгиланиши керак. Шундай бўлса Олий Мажлисда вилоятлардан тенг вакил бўлиши таъминланади. Қорақалпоғистон Республикаси учун 20 ўрин ажратилиши сабаби унинг оддий вилоятлардан фарқи бор, унинг маъмурий-ҳудудий бирлик эмас, миллий давлат эканлиги таъкидланиши лозим. Олий Мажлис депутатларининг аксарияти юрист, иқтисодчилардан сайланиши мақсадга мувофиқ. Чунки Республика ҳаётига тааллуқли бўлган энг муҳим сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий масалалар олий орган томонидан ҳал қилинади ва тегишли қонунлар қабул қилинади. Шунинг учун Олий Мажлис юқори малакали мутахассислардан ташкил топгани маъқул. Бу Конституцияда таъкидланиши керак, деб ҳисоблаймиз.

79-моддада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонун лойиҳаларини таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга бўлганлар қаторига **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси»** деган жумла қўшиб қўйилмоғи лозим. Чунки Олий Мажлис депутатларига берилган ҳуқуқ олий органнинг раисига ҳам берилиши табиийдир.

92-модданинг 12-бандида Президент «вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди» дейилган. Агар **«Президент халқ депутатлари Кенгашининг розилиги билан...»** — дейилса яхши бўлур эди. Шундай қилинганда тайинланган ҳоким халқ вакиллик органи олдида маълум даражада жавобгарлик ва масъулиятни ҳис қилар эди.

Шу модданинг 7-бандидаги Президент «Республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади» дейилган қоида **«ўз фаолияти хусусида ҳисобот беради»** деб ўзгартирилгани маъқул. Чунки давлат бошлиғи Олий вакиллик органи олдидаги юксак масъулият ва жавобгарликни доимо сезиб турмоғи лозим.

101-моддага **«ҳоким ўз фаолияти хусусида тегишли кенгаш олдида йилига бир марта ҳисобот бериб туради»** деб қўшиб қўйиш лозим. Чунки ҳокимнинг фаолияти вакиллик органи назоратида бўлгани дуруст.

117-моддага **«Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги туманлар, шаҳарлар прокурорларини Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Бош Прокурори билан келишган ҳолда тайинлайди»** деб қўшиб қўйиш лозим. Чунки, Қорақалпоғистон миллий давлат эканлиги яққол сезилиб турмоғи керак.

Лойиҳанинг тузилиши бўйича ҳам бир фикр. **Лойиҳанинг сайлов тизимига бағишланган XXII боби олдинроқ берилиши лозим.** Чунки давлат органлари тизими тўғрисида баён қилишдан олдин мамлакатдаги сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи ҳақидаги тушунчалар, сайлов ҳуқуқи принциплари тўғрисидаги нормалар ўрин эгалламоғи керак. Олий Мажлисга сайловлар ва Президент сайловлари тўғрисидаги қоидаларни сайлов тизимидан олдин бериш мантиқан нотўғридир.

Хулоса шуки, мустақил республикамиз Конституциясининг қабул қилиниши давлатимизда ҳуқуқий жамият қуриш сари қўйилган катта қадам бўлишига ишончимиз комил.

Х. АБДУАЛИЕВ,
К. ШЕМЕТАЕВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзодлари.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қиллиги бизни беҳад қувонтиради, деган сўзларини биз бугун бутун қардошларимиз учун такрорламоқ истаймиз: қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман ва озар қардошларимизнинг муродларига ноил бўлмоқлари, ҳур ва мустақил бўлиб яшамоқлари бизни беҳад қувонтиради, деймиз».

Байрам тантаналаридан сўнг, 30—31 октябрь кунлари Туркия Буюк миллат мажлиси саройида Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Озарбайжон президентларининг учрашуви бўлди. Туркия Президенти Т. Ўзол туркий республикалар ўртасидаги муносабатлар қайта тикланаётганидан мамнуният изҳор этган ҳолда ҳозирги вазият мазкур алоқаларни янада ривожлантиришни талаб этаётгани ҳақида сўзлади. Эндигина истибдод зулмидан қутулган туркий республикаларни жаҳон танишида Туркия давлати ёрдам беришга ва туркий жумҳуриятларнинг тез орада жаҳон иқтисодий интеграцион жараёнига қўшилиши учун бу турк юрти кўприк вазифасини ўташга тайёр эканини маълум қилди. Шу маънода давлат раҳбарларининг Анқара учрашуви рамзи сифатида кўприк танлангани ҳам бежиз эмас. Бунинг учун яқин вақт ичида ҳаво ва сув йўлларини тиклаш, темир ва автомобиль йўлларини қуриш керак бўлади. Боз устига, телекоммуникация, ўзаро техник ёрдам, маданий алоқаларни ўрнатиш, савдо-сотиқ ишларини замон талабига мос босқичга олиб чиқиш керак. Тарих, тил, эътиқод ва маданиятимиз бирлиги бунинг учун муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Туркия тажрибасидан фойдаланиш муҳим самаралар беражак.

Учрашув чоғида президентлар бундан ташқари, Тожикистон, Тоғли Қорабоғ, Босния ва Герцеговинада давом этаётган қонли тўқнашувларни сиёсий йўл ва музокаралар ёрдамида бартараф этиш муаммолари ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини баён этдилар. Ҳудудий муаммолар, хусусан, Кипр масаласи ташқи кучларнинг аралашувисиз ҳал этилиши лозимлиги таъкидланди. Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги ҳамда Тожикистондаги уруш масаласини БМТ сессияси кун тартибига киритиш учун бу ташкилотга мурожаат қабул қилинди.

Туркий давлатлар раҳбарларининг учрашуви бошқа давлатлар манфаатларига зид келмайди. Бунга шу йил Туркияда бўлиб ўтган Қора денгиз минтақаси давлатлари раҳбарлари анжуманини мисол келтириш мумкин. Т. Ўзол XXI аср туркий халқлар асри бўлажак, деганида ҳам шуни назарда тутгани шубҳасиз.

Давлат раҳбарларининг учрашувидаги аҳдлашувларга оид қўшма баёнот қабул қилинди. Унда туркий давлатлар ўртасидаги муносабатларни, иқтисодий, сиёсий, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни янада такомиллаштириш, Осиё қитъасида тинчликни қарор топтириш ҳақида сўз боради. Бу соҳада эришилган ютуқлардан, иш бирлигидан мамнуният изҳор этилади.

Бу учрашув икки томонлама муносабатлардан кўп томонлама муносабатларга ўтиш, минтақада вужудга келган муаммоларни биргалашиб ҳал этишни назарда тутади.

Учрашув сўнггида давлат раҳбарлари журналистлар билан суҳбатлашишди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан давлат бошлиқларига мурожаат қилишди. Мамлакатимиз президенти И. Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, бу учрашувларни келгусида муттасил ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ эканлиги, бироқ давлатлараро муносабатлар тенгҳуқуқлилик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ruҳида бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, Анқара учрашуви жараёнида ҳашаматли Анқара — Шератон меҳмонхонасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Учрашув иштирокчилари ўзлари раҳбарлик қилаётган жумҳуриятлар минтақасида юзага келган вазиятни муҳокама этиш баробарида ўзаро ҳамкорликнинг келгуси режалари ҳақида ҳам фикрлашиб олишди. Шу маънода бу учрашувни Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари президентлари ўртасида илгари кўп маротаба ўтказилган учрашувларнинг давоми дейиш мумкин. Бу минтақадаги давлатлараро муносабатларнинг янада ривожланиб бориши ташқи кучлар томонидан ҳозирги иқтисодий бўҳронлар даврида тазйиқ ўтказилишининг, Тожикистондаги урушнинг бошқа жумҳуриятларга ҳам ёйилиб кетишининг олдини олади ҳамда Туркия ва Озарбайжон каби жуғрофик нуқтаи назарга кўра нисбатан узоқроқда жойлашган туркий давлатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишда қўл келади. Чунки Туркия орқали дунё бозорига чиқишдан барча давлатлар бирдай манфаатдордир.

31 октябрь куни Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларни яна бир поғона юқорига кўтариш йўлида муҳим қадам ташланди: Анқара шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди. Удумга кўра, бу хайрли иш икита қўйни қурбонликка сўйиш билан бошланди. Элчихона очилиши маросимида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол нутқ сўзлашди ва иккала мамлакат ўртасида тобора кенгайиб бораётган алоқаларни дипломатия йўли билан тартибга солиб туриш айни муддао бўлишини таъкидлашди. Элчихона очилиши маросимида Туркия Бош вазири С. Дэмирэл, ташқи ишлар вазири Ҳ. Четин, бошқа расмий кишилар ва Туркияда таълим олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирок этишди.

Туркий давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви 1993 йил октябрида Озарбайжон Республикаси пойтахти Боку шаҳрида бўлади. Бундан ташқари, давлат раҳбарлари зарур бўлиб қолган пайтда у ёки бу давлат раҳбарининг таклифи билан учрашиб туришлари мумкинлигини ҳам келишиб олишди.

Туркий давлатлар раҳбарларининг Анқара учрашуви 31 октябрь куни ниҳоясига етди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация шу куни Тошкент шаҳрига қайтиб келди. Анқара аэропортида улуғ меҳмонни Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл ва бошқа кишилар кузатиб қолишди.

(ЎзА).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ҚАРОРЛАР БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ЖАМОАТ КОМИССИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— жойларда ана шу соҳаларда ижроия интизоми ҳолатини ўрганиш, бозор иқтисодиётига изчил ўтишни таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларнинг дастлабки лойиҳаларини тайёрлашда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органлари, шунингдек турли иқтисодий тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш;

— Республиканинг муайян корхоналарида, хўжаликларида ва ҳудудларида иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини таҳлил қилиш ва бундан Ўзбекистон ҳукуматини хабардор этиш;

— амалдаги норматив ҳужжатларнинг молиявий ва хўжалик механизмларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, Республикада иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришни кучайтириш ва жадаллаштиришга қаратилган бошқарувга оид қабул қилинаётган қарорлар ҳамда қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ва таклифлар ни ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитети бир ҳафта муддат ичида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 2 ноябрь.

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ МАЖЛИСИ

31 октябрь куни атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш комиссиясининг якунловчи мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда юбилей тантаналарини ўтказишга тайёргарлик юзасидан комиссия котиби Ш. Убайдуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ў. Олимов, Республика маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи З. Ҳакимов ва бошқалар ахборот бердилар.

Юбилей тантаналари 5 ноябрь куни Тошкентда Ш. Рашидов ҳайкалининг очилишига бағишланган митинг билан бошланади. Шу оқшом Халқлар Дўстлиги саройида катта хайрия концерти бўлади. Эртаси куни байрам Жиззахда давом этади.

Мажлисда Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев ва Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умрзоқов қатнашди.

• *Истиқлол ҳимоясида*

БОБОЛАРИДЕК БЎЛИШСА, АЖАБМАС

«Аскари қуввати мамлакат — бой бўлур, бой мамлакатнинг аскари қувватли бўлур», — деганди Амир Темур бобомиз.

Президентимиз И. Каримовнинг мустақил Ватанимизнинг миллий ҳарбий мутахассисларини тайёрлаш тўғрисидаги фармони айни муддао бўлди. Жумладан, яқинда шаҳримизнинг «Ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтириш» бўйича республика лицейида бўлганимизда майдонда саф тортиб турган бўлажак зобитлар мундиридаги ўзбек ўғлонларининг сафдан бир қадам олдинга чиқиб, Она-Ватанимиз учун қасамёд қилаётганларини кўриб, очиғи, хурсандлигимизни яшира олмадик. Мундоқ ортимизга назар соладиган бўлсак, боболари дунёни титратган халқнинг авлодларидан, узоқ йиллар давомида биронта қўзга кўринган саркарда етишиб чиқмабди-я! Сабабини эса тавсифлаб ўтирмаймиз. Биз шу муносабат билан ушбу жараёнга ҳарбий лицей раҳбарларининг муносабатларини сўрадик.

Собир Аҳроров, ҳарбий лицей директори, подполковник:

— Маълумки, собиқ шўролар тузуми даврида, ўзга миллат вакилларидан ҳарбий мутахассислар жуда кам тайёрланди. Хайриятки, истиқлол шарофати туфайли мустақил ватанимизни ҳимоя қила оладиган миллий ҳарбий мутахассисларни тайёрлашга киришилди. Ўйлаймизки, яқин йиллар ичида юзлаб ёшларимиз моҳир ҳарбий мутахассислар бўлиб, етишиб чиқади. Шунингдек, лицейни тамомлаган йигитларимизни саралаб, чет элларга ва Россиядаги бир қанча шаҳарларнинг ҳарбий олий ўқув юртларига юборишни ҳам режалаштириб қўйганмиз. У ердан Ватанимиз дахлсизлигини ҳимоя қила оладиган ҳарбий посбонлар бўлиб қайтишларига ишонамиз.

Иосиф Тарасович КОНЕВ, подполковник:

— Ҳар бир мустақил давлатнинг ўз армияси бўлиши керак. Чунки, бу замон талаби. Бусиз мумкин ҳам эмас. Шундай экан, мустақил Ўзбекистонимиз учун ҳарбий мутахассислар тайёрлаш бугуннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу кўриб турган йигитларингиз эса ватанимизнинг илк ҳарбий мутахассислари бўлиб қолади. Лекин ҳали кўплаб зобитлар, саркардалар тайёрлашимиз керак. Бунинг учун эса жумҳуриятимизда алп қоматли, билимли, қаноатли йигитларимиз етарли.

Ғанишер ЭРГАШЕВ, капитан:

Эсингизда бўлса, бир пайтлари баъзи муҳолиф-



ларимиз ўзбек халқининг фарзандларини нимжон, касалманд, ҳарбий хизматга ярамайди, — деб дунёга жар солишганди. Лекин гувоҳи бўлиб турганингиздек, тоғни урса талқон қиладиган, юрагида олов бор йигитларимиз ҳам кўп экан. Демак, биз энди уларнинг келажакда етук саркардалар бўлиб тарбияланишлари учун бор имкониятларни яратиб беришимиз керак.

Шунингдек, биз ҳарбий лицей майдонида гул кўтариб турган бир нечта онахонлар билан ҳам суҳбатлашганимизда бу ҳарбий билим юртида бир эмас, бир нечта ўғиллари ўқиётганликларини ғурурланиб сўзлашди. Айниқса бунинг учун шароит яратиб берган ҳукуматимиз раҳбариятига ташаккур билдиришимизни илтимос қилиб қолишди.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
(Муаллиф олган суратлар).

Сиз ўз ота юртингиздасиз, дўстлар!

(Давоми. Боши 1-бетда).

хушнуд табассум, ватандошларимиз она диёр тупроғига қадам қўйганларидан сархуш ва ҳаяжонда эдилар. Узоқ йўлдан ҳориб келганларига қарамай, улар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўришга ошиқдилар.

—2 ноябрь куни юртдошларимиз Тошкент олийгоҳлари, завод ва фабрикалари, корхона ва ташкилотларида бўлишиб, уларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишдилар, меҳнат жамоалари билан самимий учрашувларда қатнашдилар.

Янги танишувлар, таассуротлар олам жаҳон....

Америка Қўшма Штатларидан она диёрга ташриф буюрган ватандошларимиз орасида асли водийлик Камолхон ва Муяссар Бобоқурбонлар, уларнинг ўғиллари Ўрхон Бобоқурбон ҳам бор.

— Биз узоқ йиллар шу қутлуғ кунларни, Ватан озодлигини орзу қилиб яшадик, — сўзлайди Камолхон. Болаларимиз, невараларимизга ўзбек тили, урф-одатларини ўргатиб, она Ватани буюк Туркистон эканлигини доимо уқтириб келдик. Оллоҳга шукрки, ота-боболаримиз орзуларам кунларни кўриш бизга насиб этди. Энди, мана, шу эришган озодлик боқий бўлиши учун 7 ёшдан 70 ёшгача ҳамма бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғи, билими, касби-кори билан Ўзбекистонни жаҳонга танитмоғи керак.

— Деярли 125 йиллик мазлумликдан сўнг бирданига ўзини тиклаб олиш осон эмас, — дейди билимдон сиёсатшуносларнинг сингари қатъийлик билан Ўрхон Бобоқурбон. — Шундоғам бир йил ичида Ўзбекистон кўп нарсаларга эришди. Ўрта Осиё республикалари ичида биринчи бўлиб БМТ га аъзо бўлди. БМТ га аъзо бўлган бошқа республикалар байроғида ҳамон ўроқ-болға рамзи бор. Ҳур Ўзбекистон эса ўз миллий байроғига эга, унинг кўплаб чет мамлакатларда ўз элчихоналарини очиши, 100 дан ортиқ мамлакат Ўзбекистонни тан олганининг ўзи катта гапку! Ўзбекистон дунёдаги энг бой мамлакатлардан бири, унинг беқиёс бойлиги — халқи. Энди ўзбекман деган ҳар бир ўғил-қиз билими ва ақли, тадбиркорлиги билан Ўзбекистонни жаҳонга танитмоғи даркор. Мана, мен ўз хохишим билан бу ерда ишлашга, Ватан учун хизмат қилишга келдим.

— Ишлигимда, — дея суҳбатга қўшилади «Америка овози» радиостанцияси муҳаррири, асли марғилонлик Жавдат Сайхон, — боболаримиз дутор чертиб Ватан соғинчида йиғлаб ашула айтиб ўтирганларини кўрганимда ҳайрон қолардим. Ҳамма нарса муҳайё-ку, нега йиғлайдилар деб. Улгая борган сари мен ҳам Ватан соғинчи нима эканлигини қалбдан ҳис қила бошладим.

Тўғриси, биз Ўзбекистонни бунчалар тез озод бўлади деб ўйламагандик. Озодлик жанглар, қонлар эвазига бўлиши мумкин деб тахмин қилардик.

Авлодлари Фарғона водийсидан бўлиб, Мадинаи мукаррамада макон топган, Тошкент иқтисод университети халқаро алоқалар факультетининг биринчи курс толиби, араб, форс-тожик, урду, инглиз, ўзбек тилларида равон гапира олувчи оқил йигит Исоқ Вали Муҳаммаднинг сўзлари кишини анча ўйлантириб қўяди.

— Бизларни Ватан фироғи, сизларни тузум ситамлари ўрталаган дамлар ортда қолди. Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин отам «Биз орзу қилган кунлар келди, Она Ватан озод бўлди. Ватан учун биз қилолмаган ишни, узолмаган қарзни сен узгин, унга қўлингдан келгунча хизмат қил», — деб мени бу ёққа юборишди.

Авваллари бизга Ўзбекистонда ўзбеклар ўруслашиб кетган, золим халқ деб сизларга нисбатан нафрат туйғусини уйғотишга ҳаракат қилардилар. Мабодо «ўзбекман» дегудай бўлсанг, ҳа, аслинг ўрус экан-да деб бизни пичоқсиз сўйишардилар.

Ўзбекистонга келиб бутунлай аксини кўрдим, ҳақиқий ватаним ҳиссини туйдим ўзимда. Жаҳонга А. Навоий, ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари ёркин сиймоларни берган доно, меҳнаткаш ва меҳмонпарвар ўзбек элимни кўрдим. Ота юртим Олтиариққа борганимда, сулув ва нозик ўзбек аёлларининг қўлларида кетмон кўрдим. Улар дала ишлари, рўзғор юмушлари, бола тарбияси, хуллас ҳаммасига улгурар, ҳамма иш қўл кучи билан бажарилар экан. Мен ўзбек аёлларининг нозик қўллари кетмондан қавармаслигини истайман. Бунинг учун биз — табаррук замин фарзандлари ўқиб, чуқур билим олиб, фидойи меҳнатларимиз билан Ўзбекистонни энг ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишимиз лозим. Бу — қарз!

Отам доимо менга тижорат ишлари билан шуғулланишга улгурасан ҳали, аввал илм ол, илм нур бўлиб йўлингни ёритади, дейдилар. Дарҳақиқат, биз вақтни қўлдан бой бермасдан илмни чанқоқлик билан сипқоришимиз керак.

Мен Ватанимиз омон, тинч бўлиб унда истиқомат қилаётган қондош-жондош миллатлар саодатли турмуш кечирсалар, бу оғир даврни ортда қолдириб, фароғатли кунларга тезроқ етсалар, дейман. Аммо қарс икки қўлдан чиқади, миллат ҳукуматни, ҳукумат миллатни қўллаб турса, иншоолло ёруғ кунлар тезда келади.

Ғулпошша ЭРГАШХЎЖАЕВА.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЖАЛОЛОБОДДА КОЛЛЕДЖ

БУ ЕРДА зооветеринария техникуми колледжга айлантирилди. Билим даргоҳида йигит-қизлар икки ярим йил ичида агрономменежер, менежер-зоотехник, ветеринар-технолог мутахассисликларига эга бўлишади.

ЯПОНЛАР ЁРДАМГА КЕЛИШДИ

ЯПОНИЯНИНГ «Мацубиси Корпорейшн» фирмаси вакиллари Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигида бўлишди. Вазирлик матбуот марказининг хабар беришича, Япония ҳукумати Қирғизистонда содир бўлган зилзила оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида 100 минг Америқо доллари ҳамда 34 тонна дори-дармон, озиқ-овқат юборишга қарор қилган.

ЎШДА ЦИРК ОЧИЛДИ

ОҚБУРА дарёсининг чап соҳилидаги янги кўприк остида бунёд этилган болалар ҳиёбонида чодирли цирк очилди. 1800 томошабинга мўлжалланган бу циркка «Ақ туяқ» номи берилди.

Келгусида бу ерда нафақат цирк артистлари, балки эстрада юлдузлари, хонандалар, созандалар, экстрасенслар ҳам ўз санъатларини намойиш этишлари, спортчилар эса куч синашишлари мумкин.

«Ақ туяқ» ўзининг дастлабки шартномасини Тошкент циркининг машҳур дорбозлари — Тошкенбоевлар сулоласи билан тузди. Ўзбекистонлик цирк усталари Ўшга октябрь ойи ўрталарида ташриф буюришди.

Р. КАРИМОВ.

«БАХТИЁР» ТЕЛЕСТУДИЯ ОЧДИ

«БАХТИЁР» кичик корхонаси очган студия кўрсатувларини «Жиззах овози» газета жамоаси олиб бораяпти.

Ҳозирча уни Жиззах шаҳри ва Жиззах райони аҳли кўришга муяссар бўлмоқда. Келажакда студия вилоят миқёсида кўрсатувлар тайёрламоқчи.

А. МАМАРАСУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«АМИР ТЕМУР» ТУРКИЯГА БОРАДИ

КЕЛГУСИ йили Анқара шаҳрида ўтадиган халқаро театрлар фестивалида қашқадарёлик саҳна усталари драматург Тўра Мирзонинг яқинда саҳналаштирилган «Амир Темур» спектакли билан қатнашадиган бўлишди. Бундан ташқари, фестивалда вилоятдан бадиий ҳаваскорлик дастаси, халқ бахшилари ҳам иштирок этадилар. Яқинда Қашқадарёда меҳмон бўлган Туркия жумҳурияти маданият вазирининг муовини Яҳё Оқсуйбей билан вилоят ҳокимлиги ўртасида ана шундай битимга келишилди.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДАНТЕ ВАТАНИДАН ХАЙРИЯ КЕЛДИ

ОРОЛ бўйи халқларига ёрдам қўлини чўзаётган давлатлар сафи тобора кенгаймоқда. Яқинда Италия инсонпарварлик ёрдами сифатида бу ерга ҳар бири 2,6 килограммли 34722 банка гўшт консервасини юборди. «Нуова Ирпин Бек» компанияси маҳсулоти сифатини текширувдан ўтказган санэпид хизмати ходимлари уни жуда юксак баҳоламоқдалар.

Маҳсулот Қорақалпоғистон Республикасининг барча районларига тақсимлаб берилди.

М. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги олдидан

МАТБУОТИМИЗ ДАРҒАСИ ЭДИ

Тақдир бизни Шароф ака билан 1939 йил бошида Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетасида учраштирган. Мен газетанинг қишлоқ хўжалик бўлими мудири бўлиб ишлардим. Биз — ёш йигитлар ўша пайтда кунни тунга, тунни кунга улаб ишлардик, ижод машаққатларини бирга тортар, тонготаргача редакцияда қолиб кетардик. Шароф ака масъул котиб сифатида жуда қаттиқ меҳнат қиларди, ҳам ўқиб, ҳам ишлаб чарчаш нималигини сира билмасди...

У кишининг энг ажойиб ҳислатларидан бири — ўзи яхшилик кўрган кишиларни умр бўйи унутмас эди. Ўзи билан бирга ўқиган ва ишлаган дўстлари ҳолидан хабардор бўлиб туришни, имконияти борича улар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, чақчақлашиб туришни яхши кўрарди. Ана шундай пайтларда бироз бўлса ҳам расмий гаплардан қочиб ҳордиқ чиқарарди. Умрининг охиригача садоқатли дўстлари қаторида мени ҳам ҳурмат қилиб юрди. Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларидан то ғалаба онларигача фаол қатнашиб, эсон-омон жонажон Тошкентга қайтиб келдим. 1947 йилнинг сентябрь ойида Шароф ака билан кутилмаганда учрашиб қолдик. У киши Марказқўмдан пиёда меҳмонхонага кетаётган экан. Суҳбатимиз йўл-йўлакай «Тошкент» меҳмонхонасигача давом этди.

Шу йил 10 ноябрда Марказий Комитетнинг бюроси Шароф Рашидовни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул муҳаррири қилиб тасдиқлади. Газетанинг янги масъул муҳаррири олдида жуда қийин ва мураккаб вазифалар турарди. Урушнинг жароҳат излари ҳали тузалмаган халқ хўжалигини қайта тиклаш даври эди. Малакали журналист кадрлар, қоғоз, босма машиналар ва техник ускуналар етишмас, ходимлар кечалари уйқу нималигини билмай эрталабгача толиқиб, қийналиб газета чиқарар эди. Ҳамма жойда бўлгани каби, «Қизил Ўзбекистон» редакциясида ҳам ходимларнинг руҳига, маънавий ҳаётига жиддий таъсир қилган уруш оқибатлари ҳар нафасда сезилиб турарди. Газетанинг иш жараёни эса ғоят мураккаб ва хилма-хил, журналист кадрларнинг сафлари сийраклашиб, янги талантларга бўлган талаб кучайган эди.

Тинимсиз меҳнат, янгиликка ҳавас, ўткир ташкилотчилик қобилияти, ижодий ишда, изланишда ходимларга шахсий намуна кўрсатиш ҳислатлари Шароф Рашидовни заковатли ва истеъдодли муҳаррир даражасига кўтарди. Унинг сиёсий етуклиги, маънавий поклиги, хушфъеллигига, одамларга нисбатан меҳрибон ва юксак маданиятига ҳамма тан берарди. Газетачиликнинг машаққатли ишларидан сира-сира чарчамаслик, истеъдодни ўткинчи нарсаларга сарфламаслик, покизалик, камтарлик, лафзи ҳалоллик, сўз билан иш бирлиги унинг ўзига хос олижаноб фазилатларидан бири эди.

Шароф ака «Қизил Ўзбекистон»га муҳаррирлик қилган йиллари газетанинг масъул секретари бўлиб ишлардим. У газета саҳифаларида ички бир туғён билан ёзилган мақола, очерклар кўпроқ бўлишини истарди, газетада кетадиган деярли ҳамма материалларни ўқиб чиқишга улгурарди, баъзан жуда муҳим, долзарб мавзудаги назарий ва публицистик мақолаларни, фельетон, очерк, ҳикояларни босмахонага теришга беришдан олдин қайта ўқиб чиқар, зарурият туғилса таҳрир қилар эди. Жумлалардаги баъзи қалтис, ортиқча сўзлар, ноаниқлик ва эътиборсизлик Шароф аканинг ғамхўр ва жуда талабчан қўли билан тузатилар эди. У бадиий маҳорат билан сатрларга сайқал берар, қайнаб-тошиб, жўшиб-ёниб таҳрир қилар, маъноли фикрлари билан газетхонлар қалбига чўғ соларди.

Муҳаррririмиз ходимларнинг ишончли ва қизиқарли бўлишини талаб қиларди.

Изланувчан ва ташаббускор муҳаррririмиздаги фазилатлар — кишиларни севиш, қадрлаш, меҳнатини улуғлаш, шу меҳнатда тиним билмаслик, тақдир ва ҳаётга ишонч ва умид билан боқиш, ижод тўлқинларида қанот қоқаётганларга энг яхши тилаклар изҳор қилиш унинг шарафини бир умрга эъзозловчи хусусиятлардандир. У билан ёнма-ён ишлаб, узоқ вақт бирга бўлиб, биронта ножўя гап айтганини, кишилар кўнглини оғритганини билмаймиз. Шароф ака ижодий меҳнатнинг этагидан маҳкам ушлаган, дабдаба, манманлик, мақтанчоқликни ёқтирмайдиган, ортиқча эзмаликка хуши йўқ хокисор қалам аҳлини жуда қадрларди. Босмахона ишчилари — ҳарф терувчилар, саҳифа тайёрловчилар, инженер-техник ходимлар билан, босмахона директори Фёдор Михайлович Леонтьев билан иложи борича тез-тез учрашиб туришга ҳаракат қиларди.

Шароф аканинг ташаббуси билан 1948 йили «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида жамоатчилик асосида икки ойда бир марта чиқадиган «Мухбирга ёрдам» бюллетени нашр этила бошланди. Бюллетенда газетанинг вилоят ва штатсиз мухбирлари, мухбирлар постларининг иш тажрибаси, редакция бўлимлари қошидаги штатсиз бўлимлар ҳамда муаллифлар кенгашлари фаолияти, редакция ички ҳаёти ёритиб борилади. Бюллетень газета фаолларига бепул тарқатиларди.

Таҳририят жамоасининг ишга ҳавасини ошириш, улар ёзган ва ишлаган материалларнинг пишиқ-пухта бўлишини таъминлаш, ҳар бир ходимнинг ижодий фикр юритиши, янгилик кетидан эргашиб баланд руҳ билан ишлаши учун «Ижодий дело» ташкил этилганди. У редакция ходимларининг қандай ишлаётганликларини, улар ёзган, уюштирган материалларнинг савиясини, мазмуни ва ҳозиржавоблигини яққол акс эттирувчи кўзгу бўлиб хизмат қиларди. «Ижодий дело»дан таҳририят ходимлари ёзган ҳамда уюштирган энг яхши мақолалар, очерклар, ҳикоялар, шеърлар ва бошқа материаллар жой олар эди.

«Мухбирга ёрдам» бюллетени нашр қилиниши ва «Ижодий дело» таъсис этилиши муносабати билан редакцияда катта йиғин бўлди. Ҳамма вилоятлардан штатли мухбирларимиз келишди. Муҳаррririмиз яхши маъруза қилди. Камчиликларни рўйирост очиб ташлади. Одатдагидай янги вазифалар белгиланди. Шароф ака Сурхондарё вилоятидаги мухбиримиз Латиф Эргашевнинг жуда кўп мақолалари унинг «Ижодий дело»сига киритилганини айтиб, шундай деди:

— Мухбир асарлари бол йиққани каби қизиқ фактларни, қимматли фикрларни, маслаҳатларни, таклифларни йиғиб, сўнгра уларни ишлаши керак. Ёзган хабарингиз таъсир қилсин десангиз, озгина тер тўкинг, юрагингиздан чиқариб ёзинг. Темирни қизиғида босиш, ишчил ва ҳамма вақт ҳозиржавоб бўлиш керак. Ҳаётни билмоқ, ижодда ёнмоқ, ҳақиқатга ёзмоқ керак.

Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррирлигидан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис этиб сайланди. Қарийб ўн йилча Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси, 24 йил Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи котиби бўлиб хизмат қилди. Мен шу газетада масъул муҳаррир ўринбосари ва муҳаррир бўлиб ишлаган йилларимда ҳам Шароф ака қимматли маслаҳатларини, таҳририятнинг ташкилий-ижодий ишига кўмагини, таклиф ва мулоҳазаларини биздан аямади. Бу кишининг атоқли давлат ва жамоат арбоби сифатида тутган ўрни ва ролини, ёзувчилик фаолиятини таҳлил қилиш менинг вазифам эмас. Жуда оғир ва мураккаб шароитда, давр тақозоси ва марказ иродаси ҳукмронлик қилган бир вазиятда у республикамизнинг йўл бошловчи раҳбари бўлиб ишлаб, ўзбек халқи учун, Ўзбекистонимиз истиқболи учун қандай улуғ ва тарихий ишлар қилганини ҳеч ким инкор этмайди.

Шароф ака Ўзбекистоннинг кўп тармоқли халқ хўжалиги — саноат, қурилиш, темир йўл транспорти, қишлоқ хўжалиги, маданий қурилиш соҳасидаги ғоят улкан вазифаларни ўзига хос ғайрат-шижоат билан адо этибгина қолмай, матбуотнинг ривожига, оммавий ахборот воситаларининг камолот чўқисига кўтарилишига, телевидение радиокомпаниясининг юксалишига ҳам жуда катта салмоқли ҳисса қўшган жонкуяр, фидойи раҳбарлардан биридир.

1963 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Давлат матбуот комитети ташкил этилди. Бу комитет нашриётчилик ва матбаачилик соҳасини, китоб нашр қилиш ишларини, республика, вилоят, шаҳар ва район босмахоналарининг аҳволини чуқур ўрганиб чиқди ва янги бинолар қуриш, эскиларини реконструкция қилиш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлади, матбуотнинг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш, янги машина ускуна ва дастгоҳлар ҳарид қилиш учун зарур маблағлар сўраб тегишли ташкилотларга таклифлар киритди. Шароф Рашидовнинг шахсан аралашуви ва ёрдами билан бу таклифлар атрофлича ўрганиб чиқилиб, сўнг ажойиб қарорлар қабул қилинди-ки, бу қарорлар ғазетачилар, ноширлар, китоб савдоси ходимлари ва матбаачилар ҳаётида катта воқеа бўлди. Давлат матбуот комитетининг амалий дастури бўлиб хизмат қилди, иш фаолиятимизда катта роль ўйнади.

Тошкентда ҳар йили 20 миллион нусха дарслик чиқариш қувватига эга бўлган ихтисослаштирилган босмахона қурилди. Кейинчалик бу босмахона Тошкент полиграфия комбинатига, сўнгра «Матбуот» номидаги Тошкент полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. 1, 2 ва 4-босмахоналар ҳамда офсет босма фабрикаси реконструкция қилинди. Давлат матбуот комитети, нашриётлар, китоб савдоси ва босмахона ходимлари учун 40, 48 ва 72 квартиралик турар-жой бинолари, Янгийўлда ҳамда Юнусободда китоб чиқарадиган янги босмахоналар қад кўтарди. Қоғоз сақлаш учун махсус база қуриб битказилди. Нашриёт ва китоб савдоси бўйича ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган ўқув-ишлаб чиқариш корпуси қурилиши тугалланди. Тошкентда полиграфия саноати ва китоб савдоси корхоналари қурилишини лойиҳалаштириш институтининг янги биноси, 220 ўринли болалар боғча-яслиси ва 250 ишчига мўлжалланган ётоқхона биноси фойдаланишга топширилди. Малакали матбаачи кадрлар тайёрлайдиган шаҳар ҳунартехника билим юртининг ва Тошкент полиграфия техникумининг ўқув-ишлаб чиқариш корпуси кенгайтирилди. Улар замонавий ускуналари билан таъминланди. Давлат матбуот комитети корхоналари ва ташкилотларига, хизмат қиладиган ремонт-қурилиш бошқармаси ва автогаражнинг янги бинолари қуриб битказилди.

Тошкентда матбаачилар уйи деб ном чиқарган, пойтахтимизнинг «Правда Востока» ва «Ленинград» кўчалари оралиғида жойлашган ажойиб кошона — ҳозирги «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг ҳашаматли бинолари — матбаа, газета-журнал комплекслари Шароф Рашидовнинг бевосита иштироки ва ёрдами билан қурилган. Илгарилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти ва босмахонаси деб аталадиган бу корхонанинг ҳолат-манзараси эллигинчи йилларда жуда ачинарли аҳволда эди. Бир қаватли каттагина бино ичида саноқли ротация машиналари ўрнатилган бўлиб, ҳарф териш цехлари бошқа жойда эди. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» газеталари шу бинонинг иккинчи қаватида, бошқа газета ва журналларнинг редакциялари эса нашриёт ва босмахоналаридан анча узоқда жойлашган эди. Газеталар кечикиб чиқар, уларнинг полиграфик сифати анча паст эди. Республикамизнинг энг йирик матбуот кошонасига айланган бу корхона эндиликда республика ва марказий газеталарини, журналлар ҳамда матбуотнинг бошқа маҳсулот турларини барвақт ва сифатли чиқариб бермоқда.

Шароф аканинг ташаббуси ва ёрдами билан ҳамма вилоятларнинг марказларида ҳам газета редакциялари ва босмахоналар учун янги бинолар барпо этилди. Нукус полиграфия комбинати реконструкция қилинди. Босмахоналаримиз линотип ҳарф териш, ротация машиналари ва бошқа кўпгина янги ускуналарга эга бўлди. Вилоят газеталари редакцияларини алоқанинг иккинчи канали билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Янгидан телетайп аппаратлари олиниб, уларга ўзбекча ҳарфлар ўрнатилди. Вилоят марказларида телетайп ўрнатилгандан сўнг вилоят газеталари рус тилидаги матнлар билан бир вақтда ўзбек тилидаги материалларни қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлди. Бу эса вилоят газеталарининг ўз вақтида чиқиб туришини ва обуначиларга барвақт етиб боришини таъминлади.

Шароф Рашидов китобни жуда севар ва жуда кўп мутолаа қиларди. Ҳар safар суҳбатлашганимизда, китоб инсоният даҳосининг ноёб ихтироларидан биридир. Инсон тафаккурининг жавоҳирларини ўзида мужассамлаштирган хазинадир, деб насиҳат қиларди. Мана бу ҳужжат менинг сўзларимни яна бир тасдиқлайди:

«Ўзбекистон КП барча область комитетларига.

Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Советининг 1972 йил 3 июлда қабул қилган «Республикада нашрчилик иши ва китоб савдосини янада яхшилаш бўйича чоралар тўғрисида»ги 183-сон қарори қандай бажарилаётгани хусусидаги масалани кўриб чиқди.

Муҳокама кўпгина область, шаҳар ва район партия комитетлари, маҳаллий Советларининг ижроқўмлари, Госкомиздат ва Ўзбекбирлашув органлари китоб савдоси билан қониқарсиз шуғулланаётганини кўрсатди. Жойларда китоб дўконларининг тармоғи суст ўсмоқда, бир қатор ҳолларда эса хатто уларнинг қисқаришига ҳам йўл қўйилмоқда. Корхоналар, қурилишлар, қишлоқ жойларда китоб савдоси ва матлубот кооперациясининг дўконлар тармоғи жуда ҳам қаноатлантирмайдиган аҳволда...

Ана шу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш мақсадида МКнинг юқорида кўрсатилган қарорини муҳокама қилиш чоғида ўнинчи беш йиллик учун аниқ тадбирларни белгилаш зарур, деб ҳисоблайман, уларда китоб дўконлари тармоғини маҳаллий бюджетлар ҳисобига кескин кўпайтириш, китоб савдосини тубдан яхшилашга эришиш ва шу асосда республиканинг барча шаҳар, район ва аҳолигоҳларида китоб тарқатиш жараёнини юксалтириш, аҳолига жон бошига китоб сотишни икки баравар ошириш кўзда тутилиши керак.

Ўзбекистон КП МК секретари Ш. РАШИДОВ».

Марказий Комитети биринчи котибининг бу кўрсатмасидан сўнг жойларда аҳвол кескин ўзгарди. Андижон, Қўқон, Фарғона, Марғилон, Жиззах, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Наманган, Нукус, Чирчиқ, Термизда ҳашаматли Китоб уйлари қад кўтарди. Шаҳар ва районларда жуда кўп китоб магазинлари ва дўконлари очилди. Республикамиз пойтахтида 6 гектар майдонда Ўрта Осиёда тенги йўқ китоб базаси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Китоб савдоси қарийб икки баровар кўпайди.

Матбуот соҳасигина эмас, Тошкентда пойтахтимизнинг ҳуснига-ҳусн қўшиб турган Телемарказ иншоотларининг бунёд этилиши, вилоят марказларида янги телестудиялар ва радио уйларининг ишга туширилиши, уларнинг ҳорижий мамлакатлардан келтирилган ва Ватанимиз радио-телевидение техникаси ҳамда асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши ҳам Шароф аканинг номи билан боғлиқдир.

Шарқда маълум ва машҳур бўлган давлат ва жамоат арбоби, бир қанча романлар, повестлар ёзган, халқларни интернационализм ва дўстлик руҳида тарбиялашнинг долзарб муаммоларига оид жуда кўп назарий ва публицистик мақолалар муаллифи Шароф Рашидов айни пайтда туғма газетачи, истеъдодли муҳаррир, матбуотимизнинг табаррук отахони эди.

Шароф ака дам олиш ва

Мўъжизага тўла бу дунё

БИЗ БИЛАН БИРГА, БИЗДАН ЙИРОҚДА...

Яқинда «Қозоқ адабиёти» газетасида ғалати бир мақола чоп этилди. Унда айтилишича, Россиянинг Тюмень шаҳрида салкам ярим аср — 45 йил ер остида яшаган уч опа-сингил: Зинаида, Лидия ва Нина Переваловалар зулматдан зиёга чиққан эмиш. Ажабо! Келинг, яхшиси бир бошдан ҳикоя қилай.

Шаҳардаги эски иморат харобаларини тўдалаётган тракторга йўл кўрсатувчилик қилаётган қурилиш устаси Н. Черепановнинг кўзи ногаҳон пойдевор ёнидаги қандайдир тешикка тушади. Тракторчи билан икковлон тешикдан мўралашади. Қопқоронғи. Гугурт ёқиб пастга тушадилар. У ерда узун даҳлиз. Бир бурчакда керосин чироқ, атрофида эса уч аёлнинг шарпаси. Уста уларга яқинроқ боришга юраги бетламай, «чиқинглар, бўлмаса харобалар остида қоласиз!» деб қичқиради. Лекин улардан садо бўлмагач, таваккал қилиб, бирининг билагидан ушлаб тортади. Аёл жон ҳолатда чинқириб юборади. Унга кўзи тушган уста ҳайратдан қотиб қолади: аёлнинг юзлари худди қоғоздай оппоқ эди.

Хўш, аёллар бу ерга қандай келиб қолишган? Кейин маълум бўлишича, улар шу ерда туғилган эканлар...

1941 йил кузида тунда ер кучли силкиниб, ёрилиб кетади. Худди ўша пайтда, қонли савашлар давом этиб турган даврда ҳарбий омборга мудирлик қилаётган Петр Филипович Перевалов ва унинг рафиқаси Анна Федоровна омбор ичида қолиб кетадилар, омборни эса юқорида айтганимиздек, ер «ютган» эди. Қалинлиги ярим метрли бетон деворларни қўзғатишга ҳоли етмаган эрхотин қолган умрини шу ерда — замин остида ўтказишга мажбур бўлишади. Уч фарзанд кўришади: Зинаида, Лидия ва Нина. Қизларнинг хотирлашича, улар 60-йиллар охирида вафот этишади.

Қилчалик қуёш нури тушмайдиган бу зимистон қафасда дунёга келган қизлар қандоқ яшашди экан? Буни қарангки, бутун бошли 450 квадрат метр майдонни эгаллаб ётган омборда ақл бовар қилмас даражада мўлкўл озиқ-овқат заҳираси бор экан. 13 минг банка консерваланган гўшт, токча-токча қилиб териб чиқилган ҳисобсиз шоколад, қуритилган сут, қотирилган нон, ёрма ва яхши сақланган мазали таомлар мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра улар учови учун яна 7—8 йилга бемалол етиб ортар экан. Жангчилар учун махсус кийим-кечак, гугурт ва керосин ҳам жуда кўп миқдорда эканлиги аниқланди. Омбор тепасидан бир бурчакда эса тиниқ сув томчилаб турараркан.

Ер ости фуқаролари ҳозир Москвадаги илмий-текшириш институтларидан бирида текширувдан ўтказилмоқда.

Қирқ йил қирғин бўлса ҳам, ажали етган ўлади, деганлари шу экан-да!

Мансур АҲМЕДОВ.

ТЕЛЕГРАММА

ДУШАНБА 25 10 101 98 23 10 0851-
ТОШКЕНТ шаҳри, 47, ЛЕНИНГРАД кўчаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ бошлиғи Қ. Т. РИЗАЕВга

Шаҳримиз тиббиёт жамоатчилиги қардош ЎЗБЕКИСТОНлик сиз ҳамкасбларимизнинг қадимий тожик ерида авж олиб кетган фожиали воқеалар муносабати билан қайғу тўла мурожаатингизни чуқур миннатдорчилик ҳиссиётлари билан қабул қилдилар.

Мустақил давлатлар ҳамд ўстлигидаги мамлакатларнинг биродарлашган шаҳарларидаги ҳамкасблар ҳам бизга чуқур ҳамдардлик туйғуларини билдирдилар ҳамда даволаш муассасаларимиз номига жуда камёб дори-дармонлар, тиббиёт жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари юбордилар.

Тожикистон тиббиётчилари бундай умумхалқ ёрдамини ҳеч қачон унутмайдилар. Биз ўз профессионал бурчимизни бажаришда давом этиб, бу ердаги аҳволни барқарорқилиш учун бутун куч-ғайратимизни сарф этамиз.

ДУШАНБА шаҳар тиббиёт ташкилотлари топшириғига биноан Соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи

Д. Р. САНГИРОВ.

АНДИЖОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ЁРДАМ ЭВАЗИГА — БУҒДОЙ

АНДИЖОН автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмасининг 150 нафар ҳайдовчиси Кўкчатов вилоятига жўнаб кетганларига бир неча кун бўлди.

ҲАЙДОВЧИЛАР қозоқ биродарларимизга буғдой йиғиштиришда ёрдам берадилар. Эвазига Қозоғистондан Андижонга бир миллион 200 минг тонна ғалла билан қайтишади.

БИРЛАШМАНИНГ «ҚУЛИ УЗУН»

АНДИЖОН ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг «қўли» тобора узайиб бормоқда.

ЎРТА Осиё жумҳуриятларидан ташқари Покистон, Англия, Германия каби мамлакатларга маҳсулот жўнатаётган бирлашма муҳим муаммони ҳал қилди. Ишлаб чиқариш дастгоҳларини Японияннинг «Киото», Германияннинг «Феррастал» ва «Бенимгир» фирмаларидан сотиб олишга шартнома тузди. Кўзланган мақсад амалга ошса, маҳсулот сифати янада яхшиланади. Хорижий алоқалар мустаҳкамланади.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР ВИЛОЯТ ХАБАРЛАРИ

КЕНГАШДАН СЎНГ ТЎЙГА

ТОМДИ, Учқудуқ, Конимех ва Нурота районларидаги қоракўлчилик совхозлари директорлари анъанавий кенгашга тўпландилар. Нурота районидаги «Қизилча» давлат хўжалиги кенгаш учун ҳомийлик қилди. **Вилоят ҳокими Абдуҳолиқ Айдарқулов чорвадорлар олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Кенгаш тугагандан сўнг унинг қатнашчилари «Қизилча» совхози директори Мирзан Нурбоев хонадонига йўл олдилар. Ўша куни Мирзан ака Нурбоевнинг 60 йиллиги нишонланди. Тўйга келганлар М. Нурбоевни «Республикада хизмат кўрсатган қоракўлчи» унвони билан қутладилар.**

АРАВА КИМНИКИ!

ТОМДИ район газетасига яқиндан бошлаб деҳқончилик агросаноати бирлашмаси ҳам муассислик қиладиган бўлди.

Районда нашр этиладиган ягона газетани чиқариш шу қадар мушкул бўлиб қолди. Бир вақтлар райком ва район кенгашининг бош нашри бўлиб келган газетанинг бу ҳолга тушиб қолиши таассуфлидир. Начора, кимнинг аравасига чиқсанг, ўшанинг қўшиғини айтасан дейишадику.

ОМОН БЎЛСАК КЎРАМИЗ

НИҲОЯТ, республикамизнинг энг чекка нуқтаси — Учқудуқда телевидение иш бошлади. **Шаҳардаги «Тектон» кичик корхонаси студия ижодкори бўлди. Район ҳокимлиги ва шимолий кон бошқармаси касаба уюшмаси студияга муассислик қилишмоқда.**

Ҳозирча кўрсатувларни миллатлараро муносабат тилида олиб бориш мўлжалланган. Омон бўлсак, маҳаллий тиллардаги кўрсатувларни ҳам кўриб қолармиз. Борига шукур қилиб тўрайлик-чи.

ЙЎЛЛАР НАВОИЙДА УЧРАШДИ

СОБИҚ шўро иттифоқи таркибига кирган айрим шаҳарларга олиб борувчи йўлларда тиканлар ўса бошлади.

Аммо азалдан елкадош бўлган корхоналар бир-бирлари билан алоқани узишгани йўқ. Яқинда Навоий кон металлургия комбинатида собиқ иттифоқнинг етакчи дастгоҳсоз корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари учрашуви бўлиб ўтди. Москва, Новосибирск, Қараганда дастгоҳсозлари келгусида қиладиган ишлар юзасидан масалахатлашдилар. Демак, йўлларни чанг, юракларни ғубор босмаган экан.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭГАРДАН ТУШИНГ, ЖАНОБ ДИРЕКТОР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бунақа «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» тарзида иш юритилгани оқибатида харидорлардан 52,2 минг сўмлик маҳсулотнинг яроқсизлиги ҳақида норозилик хати келган. Шунингдек, 179,4 минг сўмлик маҳсулотнинг ортиш пайтида идишлари синганлиги, 63,1 минг сўмлик камомад ва яна 337 минг сўмлик жарима учун ҳам норозиликқидирув мактублари олинган.

Корхонада 1991 йилнинг 14 ва 18 февраль кунларида ўтказилган тафтиш чоғида омбор мудири К. Тошматов жавобгарлигидаги шиша идишлардан жами 426894 сўмлик камомад аниқланган. Хатлаб рўйхатга олиш комиссиясининг қабул қилган қарорида «бу камомад корхона зарарига ҳисобдан чиқарилиб, омбор мудирига бир ойлик маош миқдорида жарима солинсин», дейилган. Лекин амалда ҳанузгача бу жарима айбдордан ундириб олинмаган. Мураббо пишириш цехи бошлиғи Н. Илёсов жавобгарлигидан 1018 сўм камомад ҳам корхона хазинасидан ҳисобдан чиқарилган. Айбдорга эса ҳеч қандай чора кўрилмаган.

1991 йилнинг декабр ойида А. Тўхтабоев жавобгарлигидаги томат пастаси бўйича 19006 сўмлик камомад чиққан. Бу ҳақдаги ҳужжатлар Бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлимига оширилган. Орадан кўп ўтмай эса, у яна қайтариб олинган. Шу билан ишга «қор ёғди, излар босилди» қабилида нуқта қўйилган.

Юмшоқ кўнгиллилик, корхона ҳисобига саҳийлик текин луқма деса ўзини томдан ташлайдиган айрим қилвирларни бемалол ҳаракат қилишга руҳлантирган. Ўтган йили ва шу йилнинг июль ойига қадар биргина завод қоровулларининг ўзлари томонидан жами 17 марта ўғрилик қилинганлигини бошқача қандай изоҳлаш мумкин?

Муросасозлик, талабчанликнинг бўшаштириб юборилганлиги бир-бировининг мушугини пишт демаслик ҳатто давлатга тўланадиган солиқни ҳам менсимай қўйишга олиб келди. Ўтган йили фойдадан олинадиган солиқни ҳисоблашда завод томонидан инвестиция харажатлари 102 минг сўмга ошириб кўрсатилган. Натижада жами 204 минг сўм давлат бюджетига ўтказилди.

Бундан ташқари, автотранспорт воситалари солиғи ҳам шу йилнинг ўзида 3388 сўм кам тўланганлиги маълум бўлди. Шунингдек, амалдаги йилнинг август ойигача бўлган даврда завод томонидан республикамиз ҳудудидан ташқарига 18266 туб, миқдорида консерва маҳсулотлари жўнатилган ва улар учун тўланадиган солиқдан ҳам 505,6 минг сўм бюджетга ўтказилмаган.

Ижарачиларнинг иш фаолиятидаги бунақа камчилигу хатолар, лоқайдлигу талон-торожликларни санайверсак, кун ботиб, тонг отади...

Шу ўринда: «Хўш, мухбирку фельетонга якун ясар, аммо у ёғи нима бўлади? Айбдорларнинг ҳатти-ҳаракатларига холису одил баҳо берадиган бирор мутасадди борми ё улар яна «бу текширувчилар ҳам келдию кетди-да», деб ҳеч нарса кўрмагандек, ишни келган жойидан давом эттираверадиларми?» деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Дарҳақиқат, ҳозирча корхонадаги айрим раҳбарлар шу кайфиятда. Юришибди Айниқса, унинг директори А. Тожибоевнинг хатти-ҳаракатлари текширувчиларни ҳам таажжубга солди. Айтишларича, бу тафтиш «мулк эгаларининг розилигисиз», ноқонуний ўтказилган эмиш. Шундан бўлса керак, ҳатто корхона бош ҳисобчиси имзо чекиб, тасдиқлаб турса ҳам у киши тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномага жиддий эътирозлар билдирдилар.

Унақа бўлса, шунча югур-югуру текшир-текшир зое кетибди-да-а? — дерсиз. Йўқ, бунақа жуда ошириб юборманг. Фақат ҳурматли директор отдан тушсалар ҳам, эгардан тушмай тўрибдилар, холос. Аслида «айбнома»лар қилни қирқ ёрғувчи прокуратура ходимларига оширилган. Ҳадемай улар: «Энди эгардан тушинг, жаноб директор!» — деб юборишса ажаб эмас.

Мурод ҚАЛОНХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хуршид ДАВРОН

ХУРШИД ДАВРОН Самарқанд да туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика ихтисоси бўйича битирган. Ундан ортиқ шеърий, насрий мажмуалар муаллифи.

КУЗ ТАШБЕҲЛАРИ

Бева аёл қалби — сарғайган
ярпоқ,
Ўтмиш ёди — булут чулғаган
юлдуз.
Ўзбек боласининг рангидир —
тупроқ,
Учиб кетган қушнинг бўм-бўш
ини — куз...

КИЧИК ЁЛҒОН ҲАҚИДА ДОСТОН

Бу кичкина ёлғон
Бу кичкина ёлғон оламни
Қила олар талотум, адо;—
Ўзин тўқиб чиқарганлардан
У узоқроқ яшайди ҳатто.

Унинг кучи шундаким, ҳар бир
Юракка жо бўлиши мумкин;
Ўлим билмас бу ёлғон, фақат
Дунё билан ўлиши мумкин...

* * *

Зўр шоир дилида зўр умид
яшар,
Кўр шоир дилида кўр умид
яшар.
Ҳар умид тупроққа ташланган
дондир —
Бутун коинотдан нур кутиб
яшар.

* * *

Ҳар бир шеърда ҳасрат
қувончга
Ва қайғуга айлансин қувонч,
Ҳар бир шеърда тутқун
қушчанинг
Музлаб ётган қанотини оч!..

БОТИР ҚОНИ ВА ДАҲО СЎЗИ

Бобур қаламининг учидан
томган,
Қайғуга ном топган бир томчи
сиёҳ,
Эрк учун жанггоҳда Таробий
тўккан
Қоннинг томчисидек эрур
бебаҳо.

* * *

Ўғлим, нега чечакни уздинг?
Нега дунё тошини буздинг?
Энди сени ким қутқарар, айт,
Хатар қўлин сенга чўзган пайт?!

ҚИСМАТ

— Йўқ,— дедим,— йўқ,
чидашим қийин —
Ерда ғам кўп, ерда кўп фироқ...
Учиб кетдим осмонга кейин,
Ҳасратлардан бўлай деб йироқ;

Учай дедим, куч берар, дедим,
Юрагимга самовий тушлар.
Аммо менга дуч келди фақат
Кўзи ёшга лим тўла қушлар...

* * *

Қадим қўрғон харобасини
Кеза-кеза чарчадим, толдим
Ва трупроқнинг ичидан синиб
Ётган тиғни мен топиб олдим.

Занглаб кетган дамидан тупроқ
Кетсин, дея силтаганим он,
Вужудимда қўзғатиб титроқ,
Ерга томди уч-тўрт томчи қон...

ШОИРНИНГ ОНАСИ

Она келиб олис қишлоқдан
Ўғли билан яшай бошлади
Ва дастурхон ёзилган чоғда
Бурда нонинг четин тишлади.

Ювиб берди бир бозор кирни,
Сувлар қуйди сўлган гулларга,
Неваралар боғчадан қайтгач,
Эртак айтиб берди уларга.

Суйган ўғли хона бурчида
Қоғоз узра эгилганда жим,
У яшарди сукут ичида,
Бузмас эди хонадон тинчин.

Қадам босиб хавотир билан,
Қўрқар эди нафас олишга.
Ногоҳ хуррак тортмайин дея,
Бош қўярди тонгда болишга.

Аммо бир кун дармони қуриб,
Кўз олдида ёруғлик сўнди,
Қўлларидан тушиб кетдию
Чил-чил бўлиб пиёла синди.

Ўша заҳот хушига қайтди,
Чайқаларди ўнгида олам,
У югуриб чиққан ўғлига
Шивирлади: «Кетайми, болам?»

• *Тил бойлиги—эл бойлиги*

Луғатлар—лисоний етукликни ифодалайди

Иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган бир даврда матбуот саҳифаларида луғатлар ва луғатчилик ҳақида сўз юритиш ноўрин туюлар. Бироқ ўтиб бораётган ва янги даврлар ифодачиси сифатида луғатлар ҳақида гаплашиб, маслаҳатлашиб олиш ўта зарурий бир масаладир.

Луғатлар, қанчалик замонавий, мукаммал бўлмасин, даврдан орқада қолиб, сўзлар ҳамда улар ифодалаган нарса ва ҳодисалар ўртасида у ёки бу ўзгаришлар натижасида юзага келган янгича муносабатларни кечикиб қайд этадилар. Бу — табиий ҳол.

Ҳар бир миллий тилнинг асосий сўз бойлигини, шу тилнинг тарихан ривожланиши ҳамда муайян луғатни яратиш чоғидаги турғун ҳолатини лисоний тизим ва нутқий фаолият бирлигида ифода қилувчи катта филологик луғатлар абадий, маданий аҳамиятга молик ишлар сифатида баҳоланишга лойиқдир. Шу билан бирга уларнинг кенг китобхонлар қўлидан тушмай, ҳар доим фаол қўлланишда бўлиш муддати абадий эмас. Чунки тилнинг энг ҳаракатчан қисми бўлган лексикада, ҳатто турғунлик йилларида ҳам, бир томондан, сўзларнинг эскириши, иккинчи томондан, уларнинг янгиланишига олиб келувчи жараёнлар тўхтаб қолгани йўқ.

Янги даврга ўтишда босиб ўтилган йўлга баҳо берадиган бўлсак, ҳозирги ўзбек луғатчилигининг етуклик даври XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. 50-йилларда катта русча-ўзбекча луғатларнинг биринчи авлоди — кичик ҳажмдаги беш жилдлик (Тошкент 1950—1955) ва катта ҳажмдаги бир жилдлик (М., 1954) луғатлар тузилиб нашр этилди. Кейин дастлабки катта «Ўзбекча-русча луғат» нашрдан чиқди (М., 1959). 60—70-йилларда ўзбек халқининг асосий луғати — икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (М. 1981) устида жиддий иш олиб борилди. Изоҳли луғат луғатларнинг энг муҳимидир, у адабий тилнинг улғайганини ва жамиятнинг лисоний етуклигини ифодалайди.

Мазкур луғатлар ЎзФА Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан яратилган эди. Ўттиз йилдан сўнг икки тилли катта луғатларнинг дастлабки авлоди ўрнига янгилари — икки жилдли «Русча-ўзбекча луғат» (Тошкент, 1983—1984), бир жилдли «Ўзбекча-русча луғат» (Тошкент, 1988) яратилди. 1985 йилдан буён эса институт луғатчилари ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини яратиш йўлида иш олиб бормоқдалар.

Русча-ўзбекча луғатларнинг биринчи ўринга қўйилишини асосли равишда ленинча миллий сиёсатнинг жамиятга зўрма-зўраки сингдирилиши оқибати деб тушуниш мумкин. Бу сиёсатга кўра, миллатлараро алоқанинг асосий воситаси ҳисобланган рус тилига устунлик берилиб, ягона иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳудуднинг рус бўлмаган халқлари уни иккинчи она тили сифатида ўрганишлари керак эди. Лекин луғатчилик нуқтаи назаридан қараганда, бу бошқача бир ҳолдир. Гап шундаки, ўзида энг яхши анъаналарни сингдирган рус тили изоҳли луғатлари ўзбек луғатчилари учун замонавий катта филологик луғатларнинг намуналари бўлиб хизмат қилдилар.

Кўп миллатли шўро луғатчилиги тараққиётидаги, ҳеч бўлмаганда, рус ва ўзбек луғатчилиги ривожидаги ижобий йўналишлар ҳақида айтилганларнинг барчаси тўғри. Бироқ луғатларнинг кейинги такомиллашувини таъминлаш мақсадида, уларнинг сифатига салбий таъсир этувчи омилларга одилона танқидий муносабат билдириш зарурати ҳам сезилади. Шу сабабдан биринчи навбатда мафкуравий омилга тўхталиб ўтиш лозим.

Шўро ҳокимияти йилларида яратилган луғатларнинг қадрига етиш билан бирга, уларнинг «тозалиги», партиявийлиги ҳақида раҳбар ташкилотларнинг «ғамхўрлиги» қанчалик «ўчмас» из қолдиргани тўғрисида ҳам гапириб ўтмай бўлмайди. Айниқса, луғатлар сифатига социалистик тузумга гўё бегона ёки душман ҳисобланган нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар, ижтимоий-сиёсий атамаларнинг маъноларини мафкура ва сиёсат нуқтаи назаридан изоҳлаш катта зарар етказади. Синфий ёндашиш деган тушунчани сингдириш мақсадида луғатларда сўзлар маъносининг қисқача филологик изоҳи ўрнига изчил мафкура руҳига амал қилувчи узундан-узоқ қомусий таъриф ва изоҳлардан фойдаланилди.

Луғатларнинг расмий ғоявий йўл-йўриқларга қарамлиги, бир томондан, уларда «коммунизмнинг буюк қурилишлари»ни кўкка кўтариб мақтовчи маддоҳ ёзувчиларнинг зериктирарли даражада такрорланувчи номларида ва иккинчи томондан эса, бошқа номларнинг мутлақо учрамаслигида, шунингдек, луғатларни ўзгача фикрловчи ёзувчилар асарларидан олинган иборалардан тозалашда яққол намоён бўлади. Чунончи, «Рус тилининг кичик академик луғати» 1-нашрида Улуғ Ватан урушининг туб ҳақиқати ҳақидаги асарлар муаллифи В. Некрасовдан олинган иборалар учрайди. Ёзувчи мамлакатдан чиқариб юборилгач, луғатнинг 2-нашрида бошқа мисоллар билан алмаштирилади.

Луғатчиликка бундай бир ёқлама партиявий раҳбарлик оқибатида филологик луғатлар маълум даражада ғоялар, партия шиорлари жарчисига айланиб қолдики, бу ҳол луғатларнинг асосий вазифаси — сўзнинг тилда ва нуткда ҳар томонлама намоён бўлишини кўрсатиш имкониятларини амалга оширишга кескин салбий таъсирини ўтказди. Айрим сўзлар учун берилган мисолларга диққат қилинг: авангард: Коммунистик партия — ишчилар синфининг авангарди; боевитость — жанговарлик: ҳар қандай, коллективнинг муваффақиятли ишлаши партия ташкилотининг жанговарлигига боғлиқ ва ш. к.

Ўтиш даврида жамиятда ўтилган йўлни инкорий (нигилистик) баҳолашга интилиш устун турадики, бу шўро ҳокимияти йилларида бунёд этилган қадриятларни асоссиз, ёппасига инкор қилишга олиб келиши мумкин. Ҳар ҳолда, 1917 йил октябридагидек маънавий меросни вайрон қилиш каби воқеа қайтарилмаса бўлди! Уз тарихи, ўз маданий ва илмий қадриятларимизни имкон борича одобу вазминлик доирасида, холисона баҳолашимиз керак.

Нашр этилган дастлабки ва кейинги академик луғатларимизнинг оралиғи тахминан 30 йил бўлиб, 80-йилларда нашр этилган катта икки тилли луғатлар асримизнинг охири ва XXI аср биринчи ўн йилликлари китобхонига мўлжалланган экан. Бироқ давр, замонанинг ҳукми ўзгача бўлди. Янги давр учун янги авлоддаги луғатлар зарур бўлиб қолди.

Ўзбек луғатчилиги тараққиётининг ҳозирги босқичида луғатчилар ишининг асосий мазмуни луғатлари мафкура ва сиёсатдан холи қилиш бўлмоғи керак. Бу вазифа бир қанча ишлар мажмуидан иборат. Аввало институт картотека жамғармасини Ўзбекистоннинг қатағон қилинган шоир ва ёзувчилари асарларидан олинган иборалар ва минглаб карточкалар билан бойитиш, янгилаш лозим. Сўзнинг маъноларини белгилашни такомиллаштириш, сиёсий вазиятга боғлиқ бўлмаган ибора ва кўчиришларни танлаш, улардан луғат мақолалари ва турларининг хусусиятларига қараб ўзаро мақбул нисбатда фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш сингарилар ҳам асосий вазифалардандир.

Мафкуравий кишанлардан холи бўлган янги луғатларни яратишга доир мазкур ва бошқа муаммолар ўзининг амалий ва жадал муҳокамасини кутиб турибди. Вақт эса кутмайди.

С. КИМ,
Э. УМАРОВ,
А. МАДВАЛИЕВ,
ЎзФА тилшунослик институтининг илмий ходимлари.

• *ЖАҲОНГА ЙЎЛ*

ИНГЛИЗ ЮРТИДА БИР ЯРИМ СОАТ

(РЕПОРТАЖНИНГ ДАВОМИ)

Мазкур репортажнинг биринчи ярми Лондондан телефон орқали газетамизнинг 31 октябрь сонига берилган эди. Бугун унинг давомини ўқийсиз.

Тошкентдан кўтарилган «ИЛ — 62» етти ярим соатда (Ўзбекистон тарихида биринчи марта) инглиз пойтахтига қўнди.

Самолётга туташтирилган йўлак орқали муҳташам залга кириб бордик. У ерда бизни турли ичимликлару ширинликлар билан безатилган узун стол олдида бир гуруҳ мезбонлар кутишмоқда эди. Кема командири Арслон Рўзметов худди ўз шаҳрида юргандек йирик гавдасига монанд салобат билан хотиржам кириб келди. Мезбонлардан уч-тўрт киши уни қуршаб суҳбатга тортди. Арслон Ғойибович таржимонсиз гаплаша кетди.

Аэровокзалдаги дабдабасиз шинамлик, осойишталик бундай манзиллардаги тўс-тўполонларга, асаббузарликларга ўрганиб қолган бизлар учун, албатта, ғайри-табиий туюлди. Аслида, табиийси ўшандай бўлиши керак. Бирнеча йўналишлар бўйича алоҳида зал ва йўлаклар, йўловчиларни қайд қилиш жойларида узун навбат сафларини кўрмайсиз. Бу — йилига 25 миллион йўловчига хизмат кўрсатадиган аэропортдаги манзара... Ҳа, мусулмончилик аста-секин деганларидек, бундан буёғига энди биз ҳам ўрганаверамиз.

Аэровокзал биносига туташиб кетган магазинга бошлаб боришди. Кийим-кечак, атир-упалар, тақинчоқу минг турли аппаратуралар кўзни қамаштиради. Бироқ... нархи осмонда. Фунт стерлинг долларга нисбатан ҳам икки баравар қиммат экан. Аммо ҳамкасбимиз Тоҳиржон Самарқанд нонидан иккитасини сотувчиларга берганида уларнинг қанчалик суюнганини кўришнинг ўзи бир олам қувонч бағишлади.

Бир ярим соатларда пўлат қушимиз парвозга тахтланди. Мезбонлар билан самимий хайрлашдик.

Вазни етмиш тонна, 85 тонна ёнилғи оладиган баҳайбат ҳаво кемасини бошқариш қанчалар қийинлигини кўриш учун эшиги очиқ кабинага яқинлашдик. Ва... ҳайрон қолдик: беш экипаж аъзоларидан иккитаси ишлаяпти, уч киши папирос чекиб гаплашиб ўтирибди. Кема сардори Арслон ака эса кейин салонга чиқиб, журналистлар билан анчагача уёқ-буёқдан гаплашди. Мен боя Хитроу аэропортида ҳаёлимга келган саволни бердим:

— Темур Ватани кўп муҳожирлар қатори инглизлар билан ҳам яқин алоқа қилган. Бугун, асрлар оша, унинг авлодлари яна шу алоқани тиклаш сари кўприк ташладилар. Ундан Сиз — Темурнинг юртдоши бошлаб бордингиз. Бунда қандайдир қонуният борми ёки шунчаки тасодиф?

— Ҳаммамиз бобо Темурнинг ватандошларимиз. Аммо у ҳақда биздан кўра инглизлар кўпроқ маълумотга эга эканлар. Лондон кутубхонасида темурийлар авлоди ва бошқа ўзбек олиму фозилларининг кўпдан кўп асарлари сақланмоқда. Биз бугун замонавий иқтисод, тижорат билан бирга ана шу маънавий хазинамиз томон ҳам йўл очдик. Лондонга қатнайдиган олтита экипажимиз бор, ҳафтада иккита рейс. Тушган маблағнинг 60 фоизи республика бюджетига ўтади, 40 фоизи авиакомпаниямизда қолади. Самолётларимиз яхши, бироқ, халқаро қатновларга «Боинг»лар янада яхши: товуши паст. Хазинамиз бойигач, уларни ҳам сотиб олармиз.

Ғарбдан Шарққа йўл «пастлик» экан, шу боис унга олти ярим соат кетди. 31 октябрь эрталаб соат ўнда Тошкент аэропортига қўндик. Салонда қарсаклар янгради!..

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
Л. ПАК,
«Халқ сўзи» — «Народное слово» мухбирлари.
Тошкент — Лондон — Тошкент.

• *Пахтакорлар хизматида*

«ТЎЙДАН ОЛДИН ТОМОША»

Балиқчи район маданият уйи қошидаги халқ театр жамоаси Садулла Сиёев қаламига мансуб «Тўйдан олдин томоша» спектаклини мухлислар эътиборига ҳавола этди.

Мазкур қувноқ томоша балиқчилик театр шинавандалари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Айниқса, ҳаваскор артистлардан Гулнора Ҳакимова, Зоҳиджон Ғаниев, Зайнаб Ҳусаинова, Таваккал Қўзиевлар ижросидаги роллар томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Асарни ёш режиссёр Қобилжон Юсупов саҳналаштирган. Комедия руҳига мос мусиқаларни эса Икромжон Бўронов басталаган. Спектакл шу кунларда пахта теримчилари ҳузурида намойиш этилмоқда.

ВОДИЛНИНГ МИЛЛИЙ ЦИРКИ

Фарғона районида фаолият кўрсатаётган «Водил чинори» миллий цирк атракциони янги дастурни Водил маданият ва истироҳат боғида намойиш этдилар. Турсунали Мамажонов раҳбарлигидаги бу жамоанинг ҳайратга солувчи ўйинларини мухлислар қизиқиш билан олқишладилар. Равшан, Шавкат Мамажоновларнинг Гулчеҳра Мингбоева билан биргаликдаги томошалари ҳам тўпланганларда катта тассурот қолдирди.

Районда бу санъатга қизиқиш катта, қолаверса, республикада ҳам миллий томоша усталарининг иштиёқмандлари кўплаб топилади. Буни инобатга олган Турсунали Мамажонов ёшларга ўз санъат сирларини қунт билан ўргатмоқда. Айни кунларда 50 дан зиёд мактаб ўқувчилари Водил маданият ва истироҳат боғида уста бошчилигида мунтазам машқ билан шуғулланишмоқда. Ёш истеъдодлар иштирокидаги янги томоша ҳосил байрами арафасида намойиш этилади.

С. СИРОЖИДДИНОВ.

ОБУНА-93

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Фақат «Ахборотнома»дагина Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинган қонунлар, қарорлар, уларга киритилган ўзгартишлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорлари, республика маъмурий-ҳудудий бўлинишидаги ўзгаришлар мунтазам эълон қилинади.

«Ахборотнома» ўзбек ва рус тилларида ҳар ойда нашр этилади.

ОБУНА БАҲОСИ:
бир йилга — 360 сўм;
олти ойга — 180 сўм;
уч ойга — 90 сўм;
бир ойга — 30 сўм.
НАШР ИНДЕКСИ: 75220.

ОБУНА-93

Республика прокуратураси раҳбарияти ва ходимлари Фарғона вилоят прокурори Я. Ж. Жалоловга отаси **Жўрабой ЖАЛОЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

«Ўзсаноатмашимпэкс» республика ташқи савдо бирлашмасининг жамоаси бирлашма бош директори З. М. Исломовга онаси **Ҳидоят ШУКУРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телекўрсатувлари ва радио эшиттиришлари Давлат компаниясининг республика радиоси жамоаси иқтисодиёт ва хизмат соҳалари Бош муҳарририятининг катта муҳаррири **Муҳаммадсолиҳ БОЛТАБОЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телевидениесининг ижодий жамоаси Бош дирекциянинг бўлим мудири О. Матниёзовга отаси **Матниёз ЮСУПОВнинг** вафот муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитети жамоаси мазкур комитет раиси ўринбосари П. Қ. Қутбиддиновга синглиси **Офтобхон ҚУТБИДДИНОВАнинг** вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 22.30. № Г—469. Тираж 28596. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.